

Юрагидан янги юрак кўчирган,
Оқ сутига меҳрин кўшиб ичирган.
Гуноҳ қилса энг биринчи кечирган,
ОНАдир ул, ОНАдир ул, ОНАдир.

(А.Навоий)

Аёл жамиятнинг кўзгуси

Биламизки, оила – Ватан ичра Ватан, меҳнат туфайли обод ва озод мухтор гўша бўлиб, Ватан бағрида, Ватан назари остида, Ватан ҳимоясида барқарорлик касб этади.

Оила муккадас даргоҳ. Оила деб аталган муккадас кургонда камол топаётган ҳар бир фарзанднинг баркамол бўлиб вояга етишида оиладаги соғлом муҳитнинг урни ниҳоятда бекиес.

Аёл ҳурматин жойига қўйган оила бахтли оиладир. Оилали аёл. Фарзандли аёл. Ҳа бу сўзлар замирида олам-олам маъно бор. Оилали аёл ёки фарзандли аёл деган кўз олдидимизда гўзал, меҳрибон, ибодат, ақлли аёл сиймоси пайдо бўлади. Бундай аёлларни биз доимо оила қуршовида, фарзандлари билан овора, рўзғор ташвишларига кўмилган ҳолда тасаввур қиламиз. Бу яхши албатта. Чунки аёл оиланинг бир бўлагидир. Аёлсиз оила бут бўлолмайди. Фарзанд тарбиясининг деярли 80-90% ҳам аёллар бўйнида. Оила қувончи аёллар қўлида десак адашмаймиз. Аёлнинг шодлиги оиладаги бахт. Аёл қўлида бутун жаҳоннинг қўлидир. Бу қўл оддий қўл ҳам эмас, балки фарзандларга, турмуш ўртоғига ҳаял қўйиб, ишонч яратувчи маънавий омиладир. Аёл меҳри бамисоли бир маънавият бўлади. У абадий қайнайди. Ундан таралаётган нурлар авлоддан-авлодга ўтади. Аёлнинг ҳалоллиги, виждонан поклиги эрнинг, фарзандларининг, бутун миллатнинг обрўсидир. Чунки, оиланинг барча ташвишлари ва муаммолари ҳам аёлларимизнинг ҳаракатлари билан ечимини топади. Ақлли, зейрак аёл оиласидаги муаммоларни фарзандларига, қариндош-уруғ, кўчага олиб чиқмайди. Ҳар қандай ташвиш ёки муаммони оила ичида ҳал қилишга ҳаракат қилади. Бу аёлларига хос хусусият. Қанийди рўзғоримни бут қилиб олсам, қанийди оиламизда бирон бир муаммо бўлмаса, фарзандларим ақлли, ўқимишли, элга таниқли инсонлар бўлиб етишсалар, фарзандларимнинг камолини кўрсам, тўйлар қилсагу, келинларимиз хизматимизда бўлса... бундан ортиқ бахт борми? Қайси аёл бундай ўй аёлларга берилмайди дейсиз? Қайси аёл бундай ширин орзуларни дилига тугмайди дейсиз. Шундай ўйлар билан бирга ўзи меҳнат қилаётган жамоанинг ҳам келажаги орзусида яшайди аёл. Жумладан фарзандлар тарбияси, таълим соҳасини ривожлантириш масалаларида жон қўйдилади. Бундай аёлни маънавиятли аёл деб атасак бўлади. Дарҳақиқат аёлнинг юксак маънавиятли бўлиши кўп жиҳатдан унинг ривожланган тафаккурига боғлиқ бўлади. Аёл тафаккури юқорида келтириб ўтганимиздек орзу-аёллардагина эмас, ушбу орзу аёлларни рўёбга чиқаришда ҳам намоён бўлади.

Аёлнинг иродаси ҳам қўчли. Аёлларимиз тош келса кемириб, сув келса симириб, ҳар қандай тўсиқдан енгил ўтиб кета оладилар. Бунда уларга ҳушмуомилаликлари шу билан бирга озроқ маккорликлари ҳам ёрдам беради. Аёлга хос метин ирода ва сабр бардош унинг ҳар соҳада олиб бораётган ҳаракатларида ўз исботини топиб келмоқда. Ҳозирги кунда аёлларимиз оила бекаси бўлиш билан бирга турли жабҳаларда меҳнат қилиб ўзларини кўрсатиб келяптилар. Жумладан, корхона муассаса раҳбарлигидан тортиб, тадбиркорлигу, фермерлик каби вазифаларни бекаму-кўст бажармоқдалар. Ҳам оила, ҳам давлат иши, бунга унча-мунчанинг бардоши етмайди. Ҳатто бир қўлида бешик тебратиб, ишлаётган аёлларимиз қанча. Бу аёлларимизнинг қўчилигидан дарак беради, жамият ривожига ҳисса қўшиш истаги жўш ураётганлигидан дарак беради.

Аёл тафаккури ҳар нарсага қодир. Орзу қилиш, унга интилиш, уни рўёбга чиқариш, уни ўзгартириш, ривожлантириш, янги ҳаяллар билан бойитиш ҳам аёллар тафаккурининг маҳсулидир. Аёлларимиз қадами етган соҳа гуллаб-яшнаб, ривожланиб бормоқда. Бу аёлларимизнинг зийраклиги ва фикри тиниқлигидандир.

**ТошПТИ Нукус филиали «Кимё, биокимё ва нормал физиология» кафедраси
ассистенти Фазылбекова Дилназа
НДПИ ёнидаги № 1 Академик лицей «Кимё» фани уқитувчи
Фазылбекова Улбосын**